

“Навоийуран” ДК Кузатув кенгашининг  
2024 йил 6 майдаги  
20-сон мажлис баёни билан  
**ТАСДИҚЛАНГАН**

**“Навоийуран” давлат корхонасининг  
коррупцияга қарши курашиш сиёсати**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Сиёсат “Навоийуран” давлат корхонаси (кейинги ўринларда — корхона)нинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати (кейинги ўринларда — Сиёсат деб юритилади) ходимлар орасида коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида қабул қилинган бўлиб, Корхонанинг юқори ахлоқий меъёрларга содиқлигини, шунингдек, корхона ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради.

2. Сиёсат коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари, жумладан етакчи халқаро амалиёт, ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари” халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Корхона мазкур Сиёсатни ўз фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаб чиққан, ўзига хос коррупциявий хавф-хатар ҳамда мавжуд ресурслар асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз механизмларини ишлаб чиқиб, жорий этади.

4. Қуйидагилар корхонада коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

корхона фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича тизимли ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;

корхонада коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, уларни минималлаштириш ва коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш;

корхона ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ички ҳужжатлар талабларига сўзсиз риоя этиш;

ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, корхонада коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

корхона ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва юқори ахлоқий меъёрларга мувофиқлигини таъминлаш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини амалда таъминлаш.

5. Сиёсат корхонанинг ички ҳужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун корхона ходимлари фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади

6. Мазкур Сиёсатнинг талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифа

ва функцияларидан қатъи назар Корхона билан меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимларга бирдек амал қилади.

Корхона ўзи билан шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга киришган учинчи тарафларда ҳам Корхонада ўрнатилган коррупцияга қарши стандартлардан кам бўлмаган стандартлар мавжудлигини таҳлил қилиб боради.

7. Корхонага ишга кираётган ҳар қандай шахс мазкур Сиёсат билан имзо чеккан ҳолда танишишлари, унинг қоидаларига риоя қилиши лозим.

8. Мазкур Сиёсатнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

алоқадор шахслар — корхона ходимининг яқин қариндошлари; корхонанинг ходими ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса, ўша юридик шахс; корхонанинг ходими ёхуд унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс.

вакиллик харажатлари – ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш ёки уни сақлаб туриш, шунингдек Корхона мажлисларига, тадбирларига келган иштирокчиларни қабул қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш мақсадларида қиладиган харажатлари, жумладан, мазкур шахсларнинг расмий қабулини ўтказиш, транспорт таъминоти, овқатланиши ва турар жой, таржимонлар хизматига ҳақ тўлаш харажатларидир;

иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари — учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган, корхона ходимларининг содиқлигини оширишга қаратилган, корхона ходимлари манфаатлари йўлидаги харажатлари, жумладан учинчи

шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлиқ харажатлари, транспорт харажатлари, яшаш, кўнгилочар тадбирлар, жумладан саёхат дастурлари билан боғлиқ харажатлар;

коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилганлиги тўғрисида хабар бериш — корхона ходими томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги (содир этишга тайёгарлик қилинаётганлиги) тўғрисида алоқа каналлари орқали асослилигига ишонч ҳосил қилган ҳолда йўллаган муурожаат;

коррупциявий хавф-хатар – корхона ходимлари ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳараказизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк, мулкый ҳуқуқлар, мулкый характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун Ўзбекистон қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси – корхонада коррупцияга қарши курашиш вазифаси юкланган таркибий тузилма;

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ҳамда корхонанинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, корхона ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва юқори ахлоқий меъёрларга мувофиқ шаклда амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

кронизм (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ёки обрўсидан фойдаланиш;

мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъий назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

манфаатдор томонлар – ташкилот ёки лойиҳанинг ҳаракатлари, қарорлари ёки натижаларига бевосита ёки билвосита қизиқиш билдирадиган ёки уларга таъсир кўрсатадиган шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлар (ходимлар, мижозлар, акциядорлар, инвесторлар, давлат идоралари, ташаббускор гуруҳлар, жамоатчилик);

манфаатлар тўқнашуви — шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият;

непотизм (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ёки таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, корхона манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ҳамда лавозимга тайинлашлар;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқлар, хизматлар, бошқа моддий ёки номоддий фойда;

учинчи тараф (контрагент) – корхона билан шартномавий муносабатларга киришган (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

хайрия (хайрия ёрдами) – юридик ёки жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг корхона учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидаги бошқа қўллаб қувватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий беғараз ёрдами;

хомийлик (хомийлик ёрдами) – юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шарти билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдами (фаолияти);

ходим — корхонада меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган бошқарув ходими;

яқин қариндошлар – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар, опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва тутинган ака-укалари, опа-сингиллари.

9. Корхонада коррупцияга қарши курашиш қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади:

қонунийлик–корхона коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда корхона тизимининг белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

коррупцияга тоқатсизлик–корхона ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Корхона ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш тақиқланади;

очиклик ва шаффофлик–корхона тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида корхона ходимлари ва контрагентларини, кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентивлиги, тизимлилиги ва ўзаро боғлиқлиги– корхона коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ келади ҳамда корхонанинг барча функциялари ва йўналишларига интеграция қилинган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилган;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги–коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган корхона тизими ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар корхонанинг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш– корхонада коррупцияга қарши курашиш тизимини яратишда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш– корхона тизимининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз корхона раҳбари ва комплаенс хизматига мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик– корхона ўзларига юклатилган функцияларни бажаришда корхона фаолиятини ҳалоллик, холислик ва мустақиллик асосида мустақил назорат қилиш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб этадилар;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш–коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни амалга ошириш натижаларига кўра корхона ўз тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чораларини кўрадилар.

10. Корхонанинг коррупцияга қарши курашиш тизими қуйидаги механизмлардан иборат:

ҳалоллик ва ахлоқнинг юксак стандартлари (High Standard of Integrity);

ҳисоботларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш орқали корхонанинг манфаатдор ва учинчи томонлари олдидаги ҳисобдорлик;

коррупцияга қарши дастурларни ишлаб чиқишда хавф-хатарларни баҳолаш;

кадрлар сиёсати ва тартиб таомиллари ҳамда коррупцияга қарши курашиш дастурларини қўллаб қувватлаш;

коррупцияга қарши курашиш тартиб-қоидаларига мувофиқ манфаатдор ва учинчи шахслар билан муносабатларни амалга ошириш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ва қайта алоқа;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш ва уларни кўриб чиқиш;

коррупцияга қарши дастур доимий равишда мониторинг ва баҳолаш.

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик;

қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.

## **2-боб. Ҳалоллик ва ахлоқнинг юксак стандартлари**

11. Корхона Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижадорлиги, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ўзининг ҳам масъулияти ва жавобгарлиги борлигини тан олади, бу борада белгиланган мақсадларга эришиш учун ўз имкониятлари даражасида қўмақлашади.

12. Корхона кузатув кенгаши ва раҳбарияти юқори ахлоқий мўёрлар ва ҳалоллик стандартларининг жорий этиш ва бу борадаги барча ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

13. Корхона кузатув кенгаши ва раҳбарияти юқори ахлоқий мўёрлар ва ҳалоллик стандартларининг жорий этиш ва бу борадаги барча ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш йўналишида корxonанинг энг устувор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларни таъминлайди:

13.1. Коррупцияга қарши курашиш ички ҳужжатларни қабул қилиш.

Корхонада коррупцияга қарши курашиш тизими асосини мазкур Сиёсат, корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари, корхонада манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисидаги низомда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади. Ходимлар мазкур ҳужжатлар билан ишга кириш пайтида қўл кўйдирилган ҳолда таништирилади. Шунингдек, корхонада харидлар жараёнини тартибга солиш, ишга қабул қилиш, ишбилармонлик совғалари, контрагентларни текшириш, ходимларнинг коррупцияга қарши малакасини ошириш, хизмат текширувларини ўтказиш, коррупциявий хабарларни қабул қилиш ва бошқа шу каби корхонада коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларини тартибга солувчи ички ҳужжатлар қабул қилинади ва манфаатдор томонларга етказилади.

13.2. Коррупцияга қарши курашиш учун масъулларни белгилаш.

Корхонада коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш ва мазкур тизимни назорат қилиш учун алоҳида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси – “Навоийуран” давлат корхонасининг

Комплаенс хизмати (бундан буён матнда COMPLAENCS ХИЗМАТИ ДЕБ ЮРИТИЛАДИ) ташкил этилган.

Комплаенс хизмати коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун масъул ҳисобланади.

Комплаенс хизмати корхонада коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларни амалга оширишда етарли даражада мустақилликка ва муҳим ресурсларга эга бўлиб, кузатув кенгаши аъзоларига бевосита мурожаат қилиш, кириш ҳуқуқига эга ҳамда бевосита кузатув кенгашига бўйсунди ва ўз фаолиятини кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган “Навоийуран” давлат корхонасининг COMPLAENCS ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА”ги низомга мувофиқ амалга оширади.

Корхонанинг кадрлар бошқармаси корхонада манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ҳамда ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ҳамда актуаллаштирилиши учун масъул ҳисобланади.

Корхонанинг барча тузилмаларида алоҳида Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолият юритади.

Корхонадаги Одоб-ахлоқ комиссиялари корхонадаги ходимларнинг этик ҳулқ-атвор қоидалариё билан белгиланган ҳулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек корхонада манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.

### 13.3. “Юқоридан қуйига муносабат” ни таъминлаш.

Корхона раҳбарияти, кузатув кенгаши ўзига бўйсунувчилар, жисмоний ва юридик шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ва юқори ахлоқий меъёрларга асосланган ҳулқ-атвор намунасини кўрсатиш орқали коррупцияга қарши ички ва ташқи мажбуриятларни яққол намойиш этишлари шарт. Корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари коррупцияга қарши курашиш самарали тизимини яратиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали етакчиликни намойиш этадилар:

корхона фаолиятининг хавф-хатарга эга функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши курашиш самарали чора-тадбирлар ва тартибларни жорий этиш, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш дастури (йўл харитаси)ни ишлаб чиқиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали кўмаклашиш;

Коррупцияга қарши бошқарув тизими доирасида корхона раҳбарияти қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- коррупцияга қарши курашишни бошқариш тизими талабларига риоя қилиш;
- коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда яхшилаш;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормаларини амалга ошириш;

Ўз мансаб мажбуриятларини бажариш доирасида, корхона ходимларида коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига мурасасиз муносабатни шакллантирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилиш ва ахлоқий хулқ-атвор юзасидан шахсан намуна сифатида намоён бўлиш.

Корхонанинг барча даражадаги раҳбарларига корхонанинг коррупцияга қарши курашиш ва юксак ахлоқий стандартларни илгари суриш масъулияти юкланади.

#### 13.4. манфаатлар тўқнашувини бошқариш.

Корхона ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол, виждонан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ҳамда корхона тасарруфидаги мол-мулклардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги, манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим.

Корхона ходимлари ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда, ротация қилинаётганда ҳар йили ва тегишли вазиятлар, шарт-шароитлар юзага келишига қараб манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши лозим.

Корхона ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни корхонада манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисида ички идоравий ҳужжатда белгилаб қўйилади.

Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун самарали назорат тартиб-таомиллари корхона ходимларининг учинчи шахслар билан ўзаро алоқаси рўй берадиган барча функцияларга жорий этилиши лозим (масалан, харид савдоларини ташкил қилиш, кадрларни рағбатлантириш, кадрлар танлов жараёнлари, совғалар олиш ва ҳ.к.).

13.5. Совғалар ва вакиллик харажатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш.

Корхона ишбилармонлик совғалари алмашиш ва вакиллик харажатларини амалга оширишни умумқабул қилинган бизнес юритиш амалиётининг зарур қисми сифатида тан олади.

Корхона ишбилармонлик совғалари ва ишбилармонлик меҳмондўстлигига оид муносабатларда ҳалоллик ва шаффофликни рағбатлантиради.

Корхонанинг учинчи тарафлар билан ишбилармонлик совғаларини алмашиши

ва вакиллик харажатларини амалга ошириши қуйидаги мезонларга тўғри келиши керак:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, корхонанинг совға ва вакиллик харажатларига оид ички ҳужжатига мос бўлиши;

нақд ёки нақдсиз пул, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металллар, пул белгиларининг бошқа турлари ёки уларнинг эквиваленти ҳамда ҳашамат буюмлари ҳисобланмаслиги;

совға берувчи олдидаги ҳар қандай мажбуриятларнинг пайдо бўлишини назарда тутмаслик ва хизмат, ҳаракатлар, ҳаракатсизлик, розилик, ҳомийлик, ҳуқуқлар тақдим этиш, битим тузиш, келишув (шартнома), лицензия, рухсатнома ва бошқалар тўғрисида маълум қарор қабул қилиш учун яширин мукофотни ёки совға олувчига бошқа ноқонуний ёки ахлоқий бўлмаган мақсадда таъсир ўтказишга уринишни назарда тутмаслиги;

корхона, унинг ходимлари нуфузига путур етиш хавф-хатарини келтириб чиқармаслиги.

Корхона томонидан ташкил этиладиган харидлар жараёнининг ҳар қандай потенциал иштирокчисидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш тақиқланади.

Корхонада ички коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида хизмат мажбуриятларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва ходим шахси билан боғлиқ деб эътироф этилган совғаларни беришда қуйидагиларга риоя қилинади:

совға олувчи учун манфаатлар тўқнашуви вазиятини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

совғани фақат умумэътироф этилган байрамлар ва ходим учун муҳим саналар (таваллуд айёми, фарзанд тугилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил, жамоа шартномасида кўрсатилган саналар ва ҳ.к) муносабати билан беришга рухсат этилади. Бунда, совға очиқ-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

совғалар корхонанинг камида учта ходими иштирокида берилиши лозим;

совғани бериш чоғида табрик нутқи айтилиб унда совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ҳодиса аниқ баён этилади;

корхонанинг бир ходими иккинчи ходимга совға олиш учун сарфлайдиган сумма миқдори ҳар ҳолатда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ошмаслиги лозим; совғанинг (шу жумладан жамоавий тартибда бериладиган) умумий қиймати (барча солиқ ва йиғимлар билан бирга) базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ошмаслиги лозим.

Совғалар ва вакиллик харажатлари қонунийлиги ва ушбу Сиёсат талабларига мослиги бўйича шубҳа юзага келган тақдирда, ходимлар корхонанинг комплаенс хизмати ёки ўзининг бевосита раҳбари билан маслаҳатлашишлари лозим.

Совғалар ва вакиллик харажатлари тартиб таомиллари корхонанинг совғалар ва вакиллик харажатларига оид ҳужжатида белгиланади.

13.6. халқаро ва бошқа ишбилармонлик тадбирлардаги иштирокни тартибга солиш.

Корхона ходимларининг халқаро ва бошқа ташкилотлар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (кўرғазмалар, семинарлар, конференциялар ва ҳ.к.)да иштирок этишига кўйидаги шартларга риоя қилган тақдирда руҳсат этилади:

Тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда корхонанинг бошқа ички ҳужжатларига мос келса;

тадбир корхона ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

тадбир корхона ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаса, бирор-бир ноқонуний афзалликларни кўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказаетган лойиҳа-тадқиқот ташкилотига мурожаат қилишни тавсия қилиш) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаса;

бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда корхона ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаса;

агарда тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келса ҳамда кўнгилочар мазмундаги хусусият касб этмаса;

тадбир моҳияти ва қийматига кўра ўринли бўлса, ҳаддан зиёд ҳашаматли, қиммат, ғайриодатий бўлмаса ҳамда тез-тез такрорланиб турмаса.

Тадбирларда иштирок этишнинг қонунийлиги ва ушбу Сиёсат талабларига мослиги бўйича шубҳа юзага келган тақдирда, ходимлар корхонанинг комплаенс хизмати ёки ўзининг бевосита раҳбари билан маслаҳатлашишлари лозим.

Корхона ходимларининг тадбирларда иштирок этиш тартиб-таомиллари корхонанинг ишбилармонлик тадбирлардаги иштирок этишга оид ҳужжатида белгиланади.

### 13.7. Коррупцияга қарши курашишни рағбатлантириш.

Корхона ўз ходимларининг юксак ахлоқий стандартларга эга бўлиши, коррупцияга қарши белгиланган талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида рағбатлантириш тизимини таъминлайди. Бунда, рағбатлантириш моддий ёки номодий қийматга эга бўлиши мумкин. Номодий рағбатлантириш фахрий ёрлиқ тақдим этиш, жамоа орасида эътироф этиш, миннатдорчилик билдириш, давлат мукофотларига тавсия этиш ва бошқа шу каби шаклларда амалга оширилади. Коррупцияга қарши курашишни рағбатлантириш қонунчиликда белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ тартибда амалга оширилади.

### 13.8. Текширув, ўрганиш ва мониторинглар ўтказишни назорат қилиш.

Турли текширув, ўрганиш ва мониторинглар ўтказишда корхона ходимлари:

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

якка ўзи амалга оширмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объектига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари корхона, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига шахсан ташриф буюрганда улар билан ёлғиз қолмаслиги;

содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни сохталаштириш учун текшириш объекти вакилларининг саводсизлигидан фойдаланиб қонунчилик ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган объект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш билан қўрқитмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;

ҳужжатларни сўраб олиш ва текширув, ўрганиш, мониторинг предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

қоидабузарликларнинг видео ёки фото қайдени амалга ошириши (зарурат туғилганда), корхона томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни киритиши;

агар текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари корхона ходимига аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган бўлса, бу ҳақида текширув бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига ва комплаенс хизматига зудлик билан хабар бериши;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакилларига корхона ходимларининг хулқ-атвор тамойилларига мувофиқ холис муносабатда бўлиши шарт.

13.9. Хайрия ва ҳомийлик ёрдамни қабул қилиш ва тақдим этишни бошқариш

Корхона қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамни қабул қилиши ва тақдим этиши мумкин. Бундай ёрдамни қабул қилиш ва тақдим этишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ҳамда ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни корхонанинг расмий веб-сайтида очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади. Корхонанинг хайрия ва ҳомийлик ёрдамига оид муносабатлари хайрия ёрдами ва ҳомийликни қабул қилиш, тақдим этишга оид ички ҳужжатда белгиланади.

13.10. Корхона фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш

Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида корхона ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

Давлат харидлари доирасида танлов савдоларини ўтказишда корхона ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимида бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширади.

Корхонанинг ички тартибот ва хавфсизлик, жумладан ахборот хавфсизлиги қоидалари коррупциявий ҳолатларни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги лозим.

### **3-боб. Ҳисоботларнинг очиқлиги ва шаффофлиги орқали корхонанинг манфаатдор ва учинчи томонлар олдидаги ҳисобдорлик**

14. Корхона ўз фаолияти очиқлик ва шаффофлиги, ва ҳисобдорликни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига тўлиқ риоя қилади ва ахборот хавфсизлиги, тижорат сири ва конфеденциал маълумотларни сақлаш

бўйича талабларни инобатга олган ҳолда Ҳисоботларни юритиш бўйича глобал ташаббус (Global Reporting Initiative) халқаро стандартлари талабларига мос келишини таъминлайди.

15. Корхона ўз очиқлиги ва шаффофлик, ва ҳисобдорлигини расмий-веб сайтда маълумотлар эълон қилиб бориш, жамоатчиликка ҳисобот бериб бориш, матбуот анжуманлари ўтказиб бориш, манфаатдор ва учинчи томонларга уларни қизиқтирган маълумотларни тақдим этиш ва бошқа шу каби усулларда амалга оширади. Бунда, корхонанинг молиявий ҳисоботлари билан бир қаторда, ўз фаолиятида коррупцияга қарши кураш ва ҳалолликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар ижроси бўйича ҳисоботлар ҳам эълон қилиниши таъминланади. Шу жумладан корхона:

#### 15.1. Ҳар йили:

1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтига жойлаштириб, 10 мартга қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар беради;

1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказди;

15.2. қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталига ва ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб боради:

амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар);

мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар, бундан давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (яқуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;

корхонага доимий фойдаланиш учун берилган ер майдонлари ва бошқа мол-мулкларни олган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

ташқи ёки ишончли бошқарувга берилган ёки жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомобилотранспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари;

15.3. Қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда веб сайтига жойлаштириб, янгилаб боради:

давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибда жойлаштирилади, шу жумладан:

харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор;

харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими).

харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар (харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин);

корхонанинг тасдиқланган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).

16. Корхонанинг расмий веб-сайтларига коррупция хавфи юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляциялари жойлаштирилади (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш ва уларни синовдан ўтказиш, комиссия йиғилишлари ва бошқалар).

#### **4-боб. Коррупцияга қарши дастурни ишлаб чиқишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш**

17. Корхона юксак ахлоқий стандартларга, шунингдек ўз функцияларининг хусусияти, ташкилий тузилмаси, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро фаолият олиб боришига ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятига хос бўлган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлайди ва баҳолайди.

18. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш доирасида корхона фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарига кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади, уларда мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишни назорат қилишнинг барча шакллари ва тартиб-таомиллари аниқланган хавф-хатарларни камайтириш учун етарлилиги жиҳатидан таҳлил қилинади.

19. Хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнида корхона комплаенс хизматининг назорати остида корхонанинг бошқа таркибий тузилмалари иштирок этади.

20. Корхона коррупциявий ҳаракатларга ”мутлақо тоқатсизлик”ни ҳисобга олган ҳолда коррупциявий хавф-хатарларнинг юзага келиш эҳтимоли

ва таъсир қилиш даражасидан қатъи назар уларни бошқариш заруратини тан олади.

21. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилига камида бир марта амалга оширилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари корхона раҳбари ва кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

22. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижасида корхона фаолиятида учрайдиган коррупция ва бизнес юритиш хавфларига қарши курашиш сиёсати ва тартиб-таомилларини белгилайдиган, коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ тадбирлар ва механизмларини акс эттирадиган, корхонанинг коррупцияга қарши курашиш дастурлари (йўл хариталари)да ишлаб чиқилади.

Бунда коррупцияга қарши курашиш дастури (йўл харитаси) мавжуд ресурслардан келиб чиққан ҳолда, биринчи галда коррупцияни олдини олиш бўйича устувор хавф-хатарларни камайтиришга йўналтирилиши, белгиланган тадбирлар корхонанинг барча ходимлари, кузатув кенгаши аъзолари, шунингдек корхонанинг манфаатдор ва учинчи томонлар билан муносабатига тадбиқ этилиши кўрсатилиши, коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ тадбирлар ва тартиб-таомилларни акс эттириши, тегишли корхона раҳбарияти томонидан тегишли ресурслар билан таъминланиши лозим.

23. Корхона коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш ва тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг аниқланган хавф-хатар даражасига мутаносиблиги, корхона ходимлари учун қатъийлиги ва аниқлиги, фуқаролик жамияти учун шаффофлигини таъминлашга интилади

24. Корхона коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш бўйича ўз усуллари, методологияси, шунингдек аниқланган хавф-хатар ва уларни камайтириш бўйича чораларни эълон қилиб боради.

#### **5-боб. Кадрлар сиёсати ва тартиб таомиллари ҳамда коррупцияга қарши курашиш дастурларини қўллаб қувватлаш**

25. Корхона мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб корхонанинг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритади.

26. Корхона ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар, рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ҳуқуқли, холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

27. Номзодларни корхонага танлаш, тайинлаш жараёни номзодларни корхонага қабул қилишда текширишни назарда тутадиган ҳужжатда ва корхонанинг бошқа ички ҳужжатларига, манфаатлар тўқнашувини бошқариш

тартибига мувофиқ комплекс равишда текшириш (Due Diligence) билан бирга амалга оширилади.

28. Корхонада ходимларга оид масалаларда қарор қабул қилувчи ходимларнинг лавозимини оширганда, лавозимга тайинланганда, кадрлар захирасига қўшганда ва бошқа ҳолларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этиши тақиқланади.

29. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга қўйиладиган талабларга мувофиқ очиқ танлов асосида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

30. Корхонада корхона раҳбарлари, шунингдек, бошқарма ва бўлим бошлиқлари ва ходимларни мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиладиган, улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилади. Ушбу кўрсаткичлар холис, ошқора ҳамда корхона ходимлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

31. Ҳар бир ходим ўзига ҳисобланган мукофот пули ва (ёки) белгиланган устама миқдори тўғрисида савол билан корхонанинг Кадрлар бўлимига ёки бухгалтерияга мурожаат қилиши мумкин.

Бунда, Корхонанинг Кадрлар бўлими ёки корхона бухгалтерияси мурожаат қилган ходимга унга мукофот пули ва (ёки) устама белгиланиши тартиби тўғрисида виждонан ва тўлиқ маълумот бериши лозим.

32. Корхонада кадрларни бошқариш бўйича сиёсати кадрларни бошқа ташкилотларга, шу жумладан давлат ташкилотларига ўтиши, ёки улардан ходим олиш асосли сабабларга асосан амалга оширилишини қонунчиликка ва ахлоқ стандартларига тўғри келишини, потенциал манфаатлар тўқнашуви бартараф этилишини таъминлайди.

33. Давлат хизматчилари ва давлат органларининг юқори мансабларини эгаллаган шахсларни корхонага ишга қабул қилишда уларнинг ушбу таклиф қилинаётган мансабга муносиблиги, манфаатлар тўқнашуви ва коррупциявий ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлаш бўйича текширувни ташкил этади.

34. Коррупцияга “мутлақо тоқатсизлик” тамойилига таянган ҳолда корхонанинг барча ходимларига коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этиши, яъни пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора, яъни пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкый тусдаги хизматларни беришни талаб қилиш, товламачилик қилиш, ваъда бериш ва пора бериш, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, шахс томонидан пора олиш ёки ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

35. Коррупцияга нисбатан мурасасизлик, тоқатсизлик тамойилига амал қилган ҳолда корхонанинг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

ўз мансаб, хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек хизмат мавқеи ва ваколатларини суиистеъмол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан корхонанинг қонуний манфаатларига зид равишда, жумладан ўзи ҳамда учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;

давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ва шахс, жумладан корхона манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (пора, порахўрлик)ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

порахўрлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

корхона ходимларининг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

36. Ходимлар ўз раҳбари ва корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича бўлимига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар билан боғлиқ, шунингдек уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

37. Коррупцияга нисбатан мурасасизлик, тоқатсизлик тамойилини ҳисобга олган ҳолда корхонада ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига ва корхонада хизмат текширувларини ўтказиш бўйича регламент ва бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

38. Ички (хизмат) текширувлар натижалари доимий равишда корхона Бош директори ва Кузатув кенгашига тақдим этилади.

6-боб. Коррупцияга қарши курашиш тартиб-қоидаларига мувофиқ манфаатдор ва учинчи шахслар билан муносабатларни амалга ошириш

39. Корхона ушбу Сиёсатнинг тамойиллари ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловлар ва (ёки) шу каби коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун маҳсулот етказиб берувчиларни, пудратчиларни

ва бошқа учинчи томонларни (контрагент) жалб қилмайди.

40. Учинчи тарафлар билан муносабатларда корхона қонунийлик ва шаффоқлик тамойилларига амал қилади.

41. Корхонада объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар, бошқа учинчи тарафни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоқ жараёни, шунингдек сотиб олинаётган товар (хизматлар) қийматини белгилашнинг шаффоқ тартиби жорий этилади. Мазкур жараёнлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳамда корхонанинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

42. Корхона шу жумладан қуйидагиларни ҳам ўз ичига олган учинчи тарафни текшириш (Due Diligence), улар билан ишлаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқади ва амалиётга тадбиқ этади:

корхона билан шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга киришган шахслар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи реестрни юритиш тартиби;

эҳтимоли юқори бўлган учинчи тарафнинг ишончилигини, шу жумладан ўтмишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларга алоқадор ёки алоқадор эмаслигини, корхона ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш тартиби;

корхона билан шартномавий-ҳуқуқий муносабатга киришган учинчи тарафдаги коррупцияга қарши стандартлар корхонадаги коррупцияга қарши курашиш бўйича стандартлардан паст бўлган ҳолларда, уларни тўғрилаш бўйича тавсиялар бериш, чоралар кўриш ёки бу учинчи тараф билан тузилган шартномани белгиланган тартибда бекор қилиш тартиби;

учинчи тараф билан муносабатларни ўзидаги коррупциявий хавф-хатардан келиб чиқиб бошқариш, мониторинг қилиш.

43. Корхона раҳбарияти ўзининг учинчи тарафларни текшириш, улар билан ишлаш бўйича сиёсатини мунтазам равишда кўриб боради, лозим ҳолларда уларга ўзгартиришлар киритиш бўйича кўрсатмалар беради.

44. Корхона эҳтимоли юқори бўлган учинчи тарафни, жумладан харид тартиб-таомиллари ғолибини (танлов, тендер ғолибини ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид учинчи тарафини) ўзининг коррупцияга қарши тамойиллари ва талаблари ҳақида улар билан тузиладиган шартномалар

матнига коррупцияга қарши махсус шартларни қўшган ҳолда хабардор қилади.

45. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда (масалан, лицензия бериш, ихтисослаштирилган кенгашларда иштирок этиш, турли ҳужжатлар, объектларни келишишда ва ҳ.к) корхона ҳужжатларни кўриб чиқишнинг шаффофлиги, холислигини таъминлайди ҳамда зарур ҳолларда мазкур давлат органлари томонидан салбий ва бошқа хулосаларга келиш сабаблари хусусида қўшимча маълумотларни талаб қилади.

46. Корхона мулкни бошқаришда:

корхона учинчи тарафлардан Ўзбекистон Республикасининг ”Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар ва тақиқларга риоя қилишни талаб қилади;

корхонада фаолият юритадиган тижорат ташкилотлари томонидан шартнома ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ хизматлар кўрсатилишини назорат қилади;

учинчи тараф билан мулкни бошқа шахсга ўтказиш, ижарага бериш, реклама жойлаштириш билан боғлиқ ҳар қандай шартнома корхона томонидан очик ва рақобатли харид жараёни натижаларига кўра тузилиши керак.

47. Корхона ўз тажрибаси ва билимларидан фойдаланган ҳолда ҳужжатлар лойиҳалари ва шу каби умумманфаатли, давлат ва жамият ҳаётининг муҳим йўналишларидаги бошқа лойиҳаларнинг очик муҳокамасида қатнашиши ёки бу каби муҳокамаларни ташкил этиши мумкин. Бунда, корхона ўзи томонидан илгари сурилаётган нуқтаи назарни зўр бериб тарғиб қилмайди ёки лоббизмнинг бошқа шу каби методларидан фойдаланмайди. Бундай иштирок, шаффоф ҳамда корхона ваколатларига таалукли бўлиши ва муҳокама этилаётган мавзуга экспертлик шарҳи сифатида чегараланади.

48. Корхона ва жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муҳитни яратиш, ўзининг коррупцияга мутлақо тоқатсиз муносабатини кўрсатиш мақсадида коррупцияга қарши курашиш мавзусига бағишланган давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар ва бошқа шу каби тадбирларда фаол иштирок этади ва бу каби тадбирларни ўз ташаббуси билан ташкил қилиб боради.

49. Корхонага таалукли масалалар муҳокамасида шаффофликни таъминлаш мақсадида, корхона ўз вакилларининг ваколатли органлар билан учрашувларини, ўзлари томонидан илгари сурилаётган таклифларни ва бошқа шу каби кўрилаётган масалаларни ўз веб-сайтида ёритиб боради.

50. Корхона уюшмалар ва бошқа шу каби органлардаги ўз аъзолик хатти-ҳаракатларини кузатиб боради, шу жумладан бу каби уюшмаларга қилинган аъзолик бадаллари, ҳомийлик маблағлари корхонанинг давлат

ташкilotларидаги манфаатларини химоя қилишга (сиёсий) ёки лоббизм деб тушунилишига йўл қўймайди.

### **7-боб. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ва қайта алоқа**

51. Коррупциявий хавф-хатарларни камайитириш ва корхонанинг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида ходимларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида, мазкур Сиёсат, корхонанинг ахлоқ қоидалари ва бошқа коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа идоравий ҳужжатлари, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги асосий маълумотлар корхонанинг Интернет тармоғидаги расмий веб сайти ва бошқа нашрларига жойлаштирилади, шунингдек босма ҳолатда ҳам чоп этилиб ходимларга тарқатилади.

Мазкур Сиёсат, корхонанинг ахлоқ қоидалари ва бошқа коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа идоравий ҳужжатларининг асосий қоидалари моҳиятини тушунтиришга қаратилган ва амалий тавсияларни ўз ичига олган қўлланмалар эълон қилиниши мумкин.

52. Корхона коррупцияга қарши курашиш амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари ва коррупцияга қарши курашиш жорий этилган тамойиллар ва талаблар ҳақида ходимлар ва бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қилиш ва тушунтириш бўйича қуйидагилар орқали барча оқилона хатти-харакатларни амалга оширади:

корхона ходимларини йилига камида бир марта коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича доимий ва тизимли ўқитиш, шу жумладан, ишга янги қабул қилинаётган ходимларни ушбу Сиёсат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа ички ҳужжатлар билан мажбурий тартибда таништириш. Коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун корхонада коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча таълим дастурлари белгиланади;

электрон манзил ва бошқа алоқа воситаси орқали корхонадаги ходимларга коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ҳамда талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир доимий хабарлар юбориб бориш;

корхона ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш, уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган аудио, видеороликлар ҳамда бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши ташвиқот тадбирларини ташкил қилиш;

тасдиқланган режа асосида Комплаенс хизмати томонидан корхонада коррупцияга қарши хулқ-атворини фаол тарзда тарғиб қилиш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Комплаенс хизмати томонидан корхона ходимларига маслаҳатлар бериш;

барча манфаатдор томонларни корхонада коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар бўйича саволлар юбориш, ўз фикрларини билдириш имконини яратиш мақсадида қайта алоқа каналларини ташкил этиш.

53. Корхона ходимларида коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари, ушбу Сиёсат қоидалари ёки корхонада коррупцияга қарши бошқа чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай саволлар бўлса, улар комплаенс хизматига мурожаат қилишлари мумкин.

### **8-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш ва уларни кўриб чиқиш**

54. Корхона ходимлари ва бошқа шахслар, агар улар корхона ходимлари хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ва (ёки) одоб-ахлоққа мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғилса, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишига гумон ёки содир этилганлиги фактлари бўлса, улар бу ҳақда корхонанинг ҳамма фойдаланиш мумкин бўлган алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

55. Корхона ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишончли маълумот берган шахснинг махфийлигини таъминлайди (қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

56. Корхона ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилади ва қасос олишга қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимни пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш, корхона ходимларининг шубҳали ҳаракатлари ёки улар томонидан ушбу Сиёсатнинг коррупцияга қарши талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида хабар берган шахсларнинг таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини кафолатлайди.

57. Коррупцияга қарши қуйидаги алоқа каналлари орқали хабар бериш мумкин:

корхонанинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими орқали;

[t.me/navoiyuran.official](https://t.me/navoiyuran.official);

<https://nvuuz.uz/>, <https://navoiyuran.uz/>;

[info@navoiyuran.uz](mailto:info@navoiyuran.uz);

ишонч телефони (79-507-00-55);

тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига.

58. Корхонанинг алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари ва корхонанинг ички ҳужжатларига мувофиқ корхонанинг Компаенс хизмати томонидан ҳолис тарзда ва ўз вақтида кўриб чиқилади.

59. Аноним равишда (фақат корхонанинг Телеграм каналлари орқали) юборилган хабарлар ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Ўз номини ошкор қилинмаслигини истаган ариза берувчи бундай ҳолатда қуйидагиларни тан олади:

корхона хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан боғлана олмайди;

корхона зарур қўшимча маълумотларни олишнинг имконияти йўқлиги сабабли хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга ошира олмайди.

60. Корхона томонидан келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан қуйидаги ҳолатларда боғланилмайди:

тўлиқ ва кенг қамровли текшириш ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларнинг йўқлиги;

корхона ходимининг қасддан ёлғон маълумотни тақдим этиши.

61. Алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан корхона ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди.

62. Корхона тизимида коррупция фактлари тўғрисида виждонан хабар берган корхонанинг ходимлари, агар бу маълумотлар тасдиқланган бўлса, ички ҳужжатларга мувофиқ рағбатлантирилиши мумкин.

63. Барча алоқа каналларининг ишлаши ва олинган хабарларни кўриб чиқиш тартиби корхонанинг коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлашга оид ички ҳужжатларида акс эттирилади.

### **9-боб. Коррупцияга қарши дастурни доимий равишда мониторинг ва баҳолаш**

64. Компаенс хизмати корхонада коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради. Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича корхонада коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар кўрилади.

65. Мониторинг ҳамда назорат корхонада коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиётига ҳамда корхонанинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

66. Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

корхона фаолияти функциялари, ўзига хос ҳужжатлари, унинг ташкилий-функционал тузилмаси ҳамда бошқа ташқи ва ички омилларидаги ўзгаришларнинг корхонанинг коррупцияга қарши курашиш тизими, уни тўғрилаш зарурати, жумладан унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини таъминлашга таъсири таҳлили;

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва давлат ҳокимияти органлари тавсияларининг мониторинги;

халқаро ва хорижий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;

оммавий ахборот воситаларининг корхона ёки ходимлари коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек корхона учинчи тарафлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;

самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончилиги, самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида корхонанинг ички жараёнлари ҳамда функцияларини мониторинг қилиш;

корхонанинг коррупцияга қарши дастури ёки йўл харитаси бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;

корхона ходимлари томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;

корхона ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш.

67. Корхонада коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлиги, коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги, коррупцияга қарши курашиш тизимини ички аудитини ўтказиш, жумладан корхонада белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.

68. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари яқунлари ҳамда натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларида акс эттирилади.

69. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби корхонада коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини

шакллантириш ҳамда тақдим этиш бўйича ички идоравий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилади.

## **10-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун**

### **жавобгарлик**

70. Мазкур Сиёсат, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ёки корхонанинг бошқа ички ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар, тартиб-таомилларни бузган корхона ходимлари лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда корхонанинг ички ҳужжатлари доирасида, уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

71. Ходимлар белгиланган талаб ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар. Бундан ташқари, ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш ҳолати, бевосита раҳбарлар томонидан назоратнинг сусайтириб юборилганлиги, белгиланган қоидаларни бузиш раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида содир этилган бўлса, ўз бўйсунувидаги ходимларнинг хатти-ҳаракатлари учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

72. Коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этган ходимни жавобгарликка тортиш унинг шикоят бериш ҳуқуқлари таъминланган ҳолда, қилинган хатти-ҳаракатга мутаносиб, адолатли бўлиши, барчага бир хил муносабатда бўлишини таъминлаши шарт. Бунда, корхонанинг коррупцияга қарши курашишда муросасиз муносабатини кўрсатиш мақсадида ходимни жавобгарликка тортиш жараёни шаффоф бўлиши таъминланади, жавобгарликка жавобгарликка тортилган ходимлар ва бунинг сабаби ҳақидаги маълумотлар корхона ходимларига, лозим бўлганда бошқа манфаатдор шахсларга етказилади.

73. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда Комплаенс хизмати уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қилади, шунингдек доимий равишда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириб боради.

74. Корхона коррупцияга қарши корхонада белгиланган стандартларни бузганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилган, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолатлар сони ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб боради.

75. Корхона коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

76. Корхонанинг ходими бошқа ташкилот вакилларига шу жумладан мансабдор шахсларга корхона манфаатлари нуктаи назаридан ёки бошқа важлар билан ҳам билан пора бериш ёки коррупциянинг бошқача шаклларида

муносабатга киришишдан бош тортиши шарт. Бундай ҳоллар корxonанинг мулкӣ ва бизнес манфаатларига зарар келтирган тақдирда ҳам бундай ходим жазоланмайди.

### **11-боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби**

77. Мазкур Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартиришлар киритилиши лозим:

мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек корхона фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;

корxonанинг ташкилий тузилмаси ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва бошқа ҳолларда.

Контрагентлари билан тузиладиган хўжалик шартномаларига киритиладиган коррупцияга қарши қоидаларининг

## АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир томон корхона ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

корхонанинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими орқали;

[t.me/navoiyuran.official](http://t.me/navoiyuran.official);

<https://nvuuz.uz/>, <https://navoiyuran.uz/>;

[info@navoiyuran.uz](mailto:info@navoiyuran.uz);

ишонч телефони. (79-507-00-55)

3. Корхона \_\_\_\_\_нинг коррупцияга қарши стандартларини кузатиб бориш, мониторинг қилиш, агар улар корхонада қабул қилинган коррупцияга қарши стандартлардан паст бўлса уларни тегишли даражага келтириш бўйича тавсиялар бериш ҳуқуқига эга. Корхона белгилаган муддатларда Корхона \_\_\_\_\_нинг коррупцияга қарши стандарти белгиланган даражага келтирилмаса, корхона шартномани бир томонлама бекор қилиши мумкин.

Меҳнат шартномаларига киритиладиган коррупцияга қарши қоидаларининг

## АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Ходим ушбу шартномани имзолаш орқали корxonанинг ахлоқ қоидаларини, унинг коррупцияга қарши сиёсатини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон қонунчилиги билан танишганлигини, улардаги қоидаларни тушунганлигини тасдиқлайди.

2. Ходим ушбу меҳнат шартномаси бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида:

пора таклиф қилмаслик;

ваъда бермаслик;

пул тўламаслик;

товламачилик қилмаслик;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик;

пора олмаслик;

бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик;

мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқларни олмаслик;

ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслик мажбуриятини олади.

3. Ходим атрофдаги шахслар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиши шарт.

4. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва корxonанинг ички ҳужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол иш берувчини ёки унинг ўрнини босадиган шахсларни хабардор қилиши шарт.

5. Ходимлар орасида шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, хизмат мажбуриятларидан четга чиққан ҳолда бошқа ходимларнинг профессионал иш фаолиятига аралашиш, маълумот сўраш ҳамда қарор қабул қилишига таъсир кўрсатиш ҳолатлари юзага келганда дарҳол куйидаги алоқа каналлари орқали:

корxonанинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими орқали;

[t.me/navoiyuran.official](https://t.me/navoiyuran.official);

<https://nvuuz.uz/>, <https://navoiyuran.uz/>;

[info@navoiyuran.uz](mailto:info@navoiyuran.uz);

ишонч телефони (79-507-00-55) орқали хабар қилиниши лозим.

6. Агар ходим корхонанинг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фактларни аниқласа, у ушбу маълумотни 4-бандда кўрсатилган алоқа каналлари орқали ёки комплаенс хизмати ёхуд корхона Бош директориға тақдим этиши шарт.

7. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида ва корхонанинг ички ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга қарши талабларини бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.